



Shu aziz Vatan — barchamizniki O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2007-yil • 22-noyabr • Payshanba • 142 (27.787) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Бугун замон шиддат билан ўзгараяпти — унга ҳамқадам бўлиб яшаш ва ишлаш керак. Бунинг учун эса аввало интеллект, ақл-заковат керак».



23 ДЕКАБРЬ —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамовнинг таржимаи ҳоли



таси йўриқчиси, шўба мудир, бўлим мудир бўлиб ишлаган, 1992-1994 йилларда Пайариқ туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси бўлган.

1994 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгашига, ўша йилнинг ўзида партия марказий аппаратида ишга ўтиб, 1998 йилгача катта референт, ташкилий ишлар бўлими мудир ўринбосари вазифаларида ишлаган.

У Акциядорлик тижорат «Турон» банкида бошқарма бошлиғи, банк Кенгаши котиби лавозимларида ҳам ишлаган.

1999 йилда партия Марказий Кенгаши котиби этиб сайланган. А.Рустамов 2003-2005 йилларда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси бўлган.

2004 йилда А. Рустамов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган. 2005 йилдан буён Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

2007 йилнинг июлидан — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари.

Оилали, тўрт фарзанди бор. Рафикаси И.Астанақулова — Тошкент шаҳридаги 63-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

А. Рустамов юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлини мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари учун «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод.

Аслиддин Ашурбаевич Рустамов 1962 йил 22 январда Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Хоса қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Миллати — ўзбек. Олий маълумотли, Самарқанд Давлат университети ва Тошкент Давлат иқтисодий университетининг Иқтисодий мутахассисликлар магистратурасини тугатган. Филолог-ўқитувчи мутахассислигига эга, халқаро молия-кредит муносабатлари магистри.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Пайариқ туманидаги 53-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1990-1992 йилларда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти қўмитаси раиси бўлиб ишлаган.

Сайлов принциплари

демократия, ошкоралик, транспарентлик

Сайлов ҳуқуқи инсоннинг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқидир. У фуқароларга нафақат давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини ташкил этиш, балки бу органларда ўз вакилларига эга бўлиши имкониятини яратиб беради. Фуқаро ўз сайлов ҳуқуқини ҳеч қандай тўқтинликсиз амалга ошири-

ши унинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим кўринишларидан биридир. Умумхалқ сайловлари орқали қонун чиқарувчи органларни шакллантириш, мамлакат Президентини сайлаш демократик-ҳуқуқий давлатнинг асосий шартидир. Сайловлар мамлакат аҳолисининг кайфияти ва қандай

қишларни афзал билишини намоён этади. Бу ҳусусда Президентимиз «Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлари яққол намоён бўлади.

(Давоми 2-бетда)

«Муштарий» «...INTERNATIONAL LTD» бўлиб иш бошлайди

Келгусида энди собиқ бирлашма ўрнида «Саноат корхоналарини иқтисодий соғомлаштириш дастури»га мувофиқ «Америка импероинвест» «LPSI» компанияси билан ҳамкорликда «MUSHTARIY INTERNATIONAL LTD» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ташкил этилади.

Бухоронинг бугунги жамоли

унинг кун сайин кўркамлашиб, янгича қиёфа касб этаётганидан далолатдир

Бухоро ер юзидagi етти шариф шаҳардан бири. Буюк ипак йўлида жойлашган Буюк қадимқадимдан Шарқ ва Ғарбни боғлайдиган кўприклардан саналиб келинган.




Боқийликка битилган обида

Ўрта Осиё мейморчилигининг бебах муъжизаларидан бири — шубҳасиз, Сурхондарё воҳасидаги Жаркўрган минорасидир.



Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!



«Бекободцемент» ОАЖ: ўзгаришлар, янгиликлар

«Бекободцемент» очик акциядорлик жамияти матбуот хизмати ушбу корхонада бош директор ўзгарганлиги на-тижасида корхона қуввати йилга 25000 тонна эмас, балки бир неча ўн баравар кўпроқ цемент тайёрлаш имкониятига эга бўлди. 1995 йилнинг март ойида завод «Бекободцемент» очик акциядорлик жамиятига айлантирилди.

1999 йилдан бошлаб, цемент ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Бекобод цементчилик томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан фойдаланишга топширилган

эди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида корхона қуввати йилга 25000 тонна эмас, балки бир неча ўн баравар кўпроқ цемент тайёрлаш имкониятига эга бўлди. 1995 йилнинг март ойида завод «Бекободцемент» очик акциядорлик жамиятига айлантирилди.

1999 йилдан бошлаб, цемент ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Бекобод цементчилик томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан фойдаланишга топширилган

улкан қурилиш объектиларида, жумладан Фарход гидро-электростанцияси, Фаргона ва Сирдарё иссиқлик станциялари, Ўзбекистон металлургия заводи, Тошкент аэропорти ва бошқа кўплаб корхоналарни бунёд этишда фойдаланилди.

Корхонанинг янги раҳбарияти келгуси йилда заводни модернизация қилиш ва доимий равишда унинг ишлаб чиқариш қувватини оширишни режалаштирмоқда. Масалан, бир кеча-кундузда 2500 тонна клинкер ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технологик линия қури-

лиши мўлжалланаётир. Демак, «Бекободцемент» ОАЖ тарихида биринчи марта клинкерни курук технология бўйича тайёрлаш имконияти яратилди. Ҳозирча эса 2008 йилда цемент ишлаб чиқариш ҳажмини 860 минг тоннага етказиш режалаштириб қўйилди.

Республикамизнинг энг йирик корхоналаридан бирида акционер ва раҳбариятнинг ўзгариши келажақда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғида илҳомий бурилиш бўлишига умид уйғотади. Корхона ходимларининг касб маҳоратини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, «Бекободцемент» ОАЖдаги ўзгаришлар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади. Тошкентда яқинда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлисида айтилганидек, Россиянинг Ўзбекистон иқтисодиётига қиратаётган инвестициялари яқин йилларда 2 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетиши мумкинлиги бу ҳамкорлик истиқболидан ёрқин далолат бериб турибди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорликдан ҳар икки томон ҳам манфаат кўриши кутилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Қойил, офарин, тасанно!



Ўзбекистон — жаҳон чемпиони!

11-21 ноябрь кунлари Анталия (Туркия)да ампутантлар ўртасида футбол бўйича ўтказилган VIII жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари маҳорат, матонат ва жасорат кўрсатиб олтин медаллар билан юртимизга қайтишди.

Улар бу ғалабалари билан футболни қандай ўйнаш кераклиги, Ватан шаънини ҳимоя қилиш учун қандай курашиш лозимлигини, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бошқа жамоаларимизга намуна қилиб кўрсатишди.

4-бет

Муносабат

Устувор йўналишлар ижросида фан соҳасининг ўрни

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасидан сўнгги ўйлар, мушоҳадалар...

Мамлакатимизда иқтисодий модернизация қилиш, хориж инвестициясини ўзлаштиришнинг юқори суръатларини таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини юксалтириш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишчи-ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Жумладан, 2007 йилнинг биринчи яр-

мида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсishi 9,7 фоизни ташкил этгани, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 11,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 19, пуллик хизматлар — 25,1, маҳсулот экспорти — 39 фоизга ошгани бу борада қўлга қиритилган муваффақиятлар далолатидир.

Ютуқлар ҳақида гапирганда, аввало уларга иқтисодий ривожланиш, унинг ўсиш суръатлари, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мута-

носиблиги, инфляциянинг пасайиши, миллий валютанинг барқарорлиги ва унинг харид қобилияти, экспорт ва олтинвалюта захираси ортиб бораётгани, бир сўз билан айтганда, бутун иқтисодийнинг изчил ривожланиётганидан келиб чиққан ҳолда баҳо бермоқ жоиз.

Амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ва ўзгаришларнинг қонуний натижаси сифатида сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръати барқарор хусусият касб этди. Биргина кейинги тўрт йилнинг ўзида йиллик ўсиш суръати 7 фоиздан ошгани бунинг яққол исботидир.

Республикамизда ялпи ички маҳсулот 1990 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ҳолбуки, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг аксариятида бу кўрсаткич ханузгача ислохотлар бошланган даврдagi даражага ҳам етгани йўқ.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Сенатида

Болаларнинг ижтимоий ҳимояси доимий эътиборда

Навоий шаҳрида 21 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши билан биргаликда ташкил этилган семинар «Меҳрибонлик уйлари» ҳамда иқтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда халқ депутатлари шаҳар, туман ва вилоят Кенгашлари депутатларининг ўрнига бағишланди.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган



Ўзбекистон — жаҳон чемпиони!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дунёнинг энг кучли ўн икки терма жамоаси қатнашган мазкур мусобақа ярим финалда футболчиларимиз Туркия вакиллари билан маълумият учрашганини хабар қилгандик. Хал қилувчи баҳсда Ўзбекистон терма жамоасига жаҳонда катта мавқега эга бўлган Россия вакиллари рақиб бўлди. Анчадан бери ампу-тантлар ўртасида мунтазам ра-вишда икки чемпионат ўйинла-рини ўтказиб келаётган, бир қатор профессионал спорт клуб-лари фаолият кўрсатаётган бу давлат футболчиларини энгиш учун катта тажриба ва матонат талаб қилинарди. Ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, чорак финалда Украина, ярим финал-да Бразилия терма жамоала-рини енгган россияликлар жа-хон чемпионатида олдиндан го-либ сифатида эътироф эти-лаётган эди. Анвар Исмоилов бош мураббийлик қилаётган футболчиларимиз финалда яна-да аҳиллик ва ҳамжиҳатлик би-лан тўп суришди. Ўйинда даст-лаб жамоамиз сардори Абду-жамил Шукров ҳисобни очган бўлса, орадан кўп ўтмай рос-сияликлар ўртадаги мувозан-натни тенглаштиришди — 1:1. Бу эса маҳорат бобида ҳар икки жамоа ҳам бир-бирдан қилиш-маслигини кўрсатиб турарди. Тажрибали дарвозабон Зоҳид Тошхўжаев ҳамда ҳимоячилари-миз беҳато ўйнаб, рақибларнинг қатор кескин ҳужумларини бар-тарafd этишди. Қарши ҳужум тактикасида унмўли фойдалан-ган терма жамоамиз аъзолари

эса хал қилувчи иккинчи тўпни киритиб, (2:1) жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлишди. Шунанг қўйиб қароқчи, гала-бани таъминлаган тўп муалли-фи эндигина ўн етти ёшга тўлган Қудрат Худойкулов бўлди. Чемпионат якунида терма жа-моа сардори Абдужамил Шук-ров «Энг яхши тўпурар» деб то-пилди. У VIII жаҳон чемпионати-да саккиз ўйинда тўп суриб, ра-қиблар дарвозасини саккиз ма-ротба анжқ нишонга олди. — Футболчиларимизнинг ушбу улкан ютуғи мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилётганининг самарасидир, — дейди терма жамоа менежер-и Рустам Қориев. — Жорий йил жамоамиз учун ниҳоятда муваффақиятли бўлди. Дастлаб август ойида Россия очиқ че-мпionatoида бронза медалини қўлга киритган эдик, сентябрда МДХ кубоғига сазовор бўлдик. Анталиядан эса жаҳон чемпи-они бўлиб қайтагмиз. — Андижон вилоятининг Хонобод шаҳриданман, — дей-ди терма жамоа ҳимоячиси Му-хаммадасиз Арапов. — Бахтсиз тасодиф туфайли болалигимда бир оёғимдан ажралдим. Ҳозир йилгирма саккиз ёшдаман. Ам-путантлар ўртасида жаҳонга машҳур бўлган жамоа тўғриси-да эшитиб, 2001 йилда «Бай-налмилал» таркибига келиб қўшилдим. Очига, футбол мен-га қайта куч бағишлади. Фут-бол ўйнаб, Ватанимиз шайини ҳимоя этаётганимда бир умр бахтиёрман. Биз учун барча шарт-шароитларни яратиб бер-ган ҳукуматимизга, Ўзбекистон

Футбол федерацияси ҳамда ҳокимийлик «Олимпикон Акбар-ов» футбол клуби раҳбария-ти миннатдорчилигимизни билдиради. Гузал ва баҳаво Анталияда ўтган жаҳон чемпионатида қўлга киритилган юксак гала-бамиз шарафига юртимиз мадҳияси янграб, байроғимиз сарбаланд бўлди. Футболчи-ларимиз жасорат ва матонат кўрсатиб, Ватанимиз шўҳрати-га шўҳрат қўшдилар. — Терма жамоангиздаги аҳиллик бизни лол қолдирди, — дейди Россия ногиронлар футбол федерацияси прези-денти Георгий Луначарский. — Улардаги ирода ва галаба-га бўлган интилишга ҳавасим келди. Терма жамоангизни улкан галаба билан табрик-лайман. Футболчиларингизга соғлиқ ва омад тилайман. Жаҳон чемпионати доираси-да Халқаро Ногиронлар (ам-путантлар) футбол уюшмаси-нинг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди. Унда ташкилий ма-салалар кўриб чиқилди. Кон-грессда навбатдаги жаҳон че-мпionatoида мезбонлик қилади-ган давлат номи эълон қилин-ди. IX жаҳон чемпионати 2009 йилда Англия пойтахти Лон-донда ўтадиган бўлди. Терма жамоамиз мураббий-ларини, футболчиларини, уларнинг ҳомийларини, барча муҳлисларни бу улкан галаба билан чин дилдан қутлаймиз!

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбири.
Тошкент — Анталия —
Тошкент.

Ибрат мактаби

Дунёда шундай инсонлар борки, уларнинг ширин сўзидан, меҳр нури билан тўлиб-тошган суҳбатидан қалб-инг мунаваар бўлади. Самарқанд давлат университети про-фессори, фалсафа фанлари док-тори Бекмурод Нормуродов ҳам ана шундай инсонлардан бири. Илм машаққатлари ҳаёти-нинг мазмунига айланган дом-ланинг ярим асрлик умри уни-верситет билан боғлиқ. Урта мактабни муваффақиятли та-момлаган йигит аввалига маз-кур олий ўқув юртининг тала-баси, ундан сўнг намунали ўқитувчи, жамиятшунос олим, университет профессорси да-ражасига етишиб, бугун ҳам шу даргоҳда фаолият кўрсат-иб келмоқда. Ҳаётда учраб турадиган воқеаларнинг ҳар бир жиҳатига ўзига хос муло-ҳаза билан қарайдиган бу фан фидойиси ўзининг илмий са-лоҳияти, билими ва тажриба-сини ёшларнинг онги ва қал-бига сингдиришга астойдил бел боғлади. Билимга чанқок талабалар давраси, баҳс-му-нозараларга бой узаро илмий беллашувлар бугун домлага ўзгача бир завқ бағишлайди.

Самарқанд давлат универси-тетда Социология кафедраси-ни ташкил этиб, унга узок йил-лардан буён раҳбарлик қилиб келаётган домла вилоят миқё-сида қўлпаб конференция, ил-мий-амалий семинарлар ўтқа-зилишига ҳам бош-қош. Олим-нинг кўп қиррали илмий-педа-гогик ва жамоатчилик фаоли-ти халқнинг дарди, ташвиши би-лан узвий боғлиқ.

Мамлакатимиз мустақиллиги-нинг дастлабки йилларида мил-лий истиқлол ғояси ва маффу-ра масалалари долзарб бўлиб турган бир пайтда домла «Мил-лий истиқлол маффураси қан-дай бўлиши керак?» номли ма-қоласи билан жамоатчилик эътиборини ўзига қаратганини ҳам қўпчилик яхши эслайди.

— XX аср охири ва XXI аср бошларида Самарқандда со-циологлар мактабини шаклан-тиришга улкан ҳисса қўшган Бек-мурод Нормуродовнинг серки-ра илмий-педагогик фаолияти-ни алоҳида эътироф этмоқ ло-зим, — дейди Самарқанд дав-лат университети биринчи про-

ректори, профессор Муслиҳуд-дин Муҳиддинов. — Ўтган қисқа давр мобайнида мазкур мактаб социологиянинг долзарб йўна-лишлари бўйича қўлланмалар, махсус адабиётлар, рисола ва дарсликлар яратиш баробарида фаннинг сир-асрорларини ўрга-нишга интилувчи иқтидорли ёш-ларни ҳам ўз атрофига жип-лаштиришга эришди. Бугунги кунда, домла раҳбарлик қилаёт-ган кафедра профессор-ўқиту-вчиларидан иборат жамоа шарқ-она миллий қадриятларни ўзда мужассам этган демократик жа-мият қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизга малакали со-циолог мутахассислар тайёр-лашда катта тажриба тўплаган.

«Сийёсий онг, тафаккур ва маданиятни юқори савияга кўтармасдан туриб, оташқалб, ватанпарвар фуқарони қўз ол-димизга келтира олмаймиз», — дейди домла. Бир сўз билан айтганда, профессор Бекмурод Нормуродовнинг илм-фан, олий таълим тизимининг фидойиси сифатидаги хизматлари, олижа-ноб инсоний фазилатлари кўпчи-ликка намуна ва ибрат макта-би бўлиб келмоқда.



Шўҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.
Хусан ТУҒИЗОВ
олган сурат

Турмуш манзаралари

Шукрона

Яқин бир танишимиз фарзандлари-га тўй қилди. Тўрт-беш киши Иш-тихон сари ошдикди. Етиб келганимизда тўй аллақонроқ бошланган, базмигоҳ меҳмонлар билан тўла эди. Даврада маш-хур ҳофизлар хиргойиси, дид билан ўрна-тилган 5-6 та чорпойда нуруний отахон-лар...

Мезбонларнинг лутф билан кўрсатган жойларига ўтирар эканмиз, даврага кўз югуртираман. Дастурхондаги тўкин-со-чилиқ ва тўйхона соҳибларининг қўли-қўлига тегмай қилаётган хизматлари шо-диднага ўзгача оройиш бериб турибди. Қўлимизда диққатимни чорпойда ўтир-ган отахонлар суҳбати тортиди.

— Аслида ҳар бир нарсаяратган Ол-лоҳнинг инояти билан, — юзидан нур ёғилиб турган Аҳмад бобо сўз бошлади. — Озодлик орсусида бир умр армонда кетган ота-боболаримизни ўз кўзимиз билан кўрдик... Бунақа тўй-ҳашамларни 70-80 йил эмас, йилгирма йил олдин ҳам кўз олдимизга келтирилмасдик. Эсинг-

дами, Тешабой, ўғилларимизни уйланти-ришда қўчангнинг икки томонини ёғиб, ўртага давра тузаганларимиз. Тузуқроқ тўй қилиш-га қурб қани эди... Ҳозир замондан но-лишнинг ўзи ноҳурин. Ҳукумат ишламан-деганга йўл очиб берди. Шароит бор, им-коният етарли. Қирқ йил ўқитувчилик қил-дим. Оиламиз билан алиб-югуриб топга-нимизга болаларни ўқитдим. Лекин яхши яшай олмадик. Мана, мустақиллик бўлди-ю, бир ўғлим фермер, бир ўғлим бемор-ларга тиббий хизмат кўрсатадиган хусу-сий клиника раҳбари. Кампир билан нева-рлар ардоғидамиз...

— Эй, нимасини айтасиз, — суҳбатга қўшилди яна бири. — Ҳозир кўлидан иш келмайдиган, «Берсанг — ейман, бурсанг — ўламан» дейдиган ношукрларга қийин бўп қолди. Бир замонлар тузуқроқ иморат қу-рсанг ё янгироқ машина миниб қолгудай бўлсанг дарров ёзишга тушишарди.

— Ҳа-а, не замонларни кўрдик, — давра-га қўшилди боддан буён жим ўтирган Ҳай-дар бобо. — Ҳозир Халилбой айтгандай, айримларга қарасанг, ишқамас ва нолига-ни нолиган. Аслида шундайларнинг уйига борсанг, етарлича боғи, бийойдек томор-қаси бор. Томорқага ишламаса, мол-ҳол қилмаса, дастурхонига биров нон солиб қўярмиди? Оллоҳ ҳам меҳнат қилганга ба-рака беради. Илгарилари қишлоқимизда ҳеч қимда машина йўқ эди, ҳисоби. Ҳозир де-ярли ҳар бир оилада биттадан машина бор, қураётган уйлари айтмайси...

Даврада галла-гал суҳбатга авж бе-раётган отахонлар лутфидан қаноат, шук-роналик каби қадриятлар жўш уриб ту-рарди. Тўй охираб, хайрлашар эканмиз, кўз олдимизда боя уллардан тинлаган бундан 20-30 йиллар олдинги ҳаёт ми-заралари гавдаланди. Бугун эса ҳар бир қишлоқда замонавий мактаб, равон йўллар, муҳташам кўприклар, касб-ҳунар коллежлари, шинам-шинам маҳалла гу-зарлари. Қайга борманг, қайга боқманг, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўллари излари...


Шўҳрат ЭШБОЕВ

Мозий мўъжизалари

Боқийликка битилган обида

Жарқўргон минораси ва музейи — халқимиз меъморий даҳосининг ноёб мўъжизаларидир

Ўрта Осиё меъморчилиги-нинг бебаҳо мўъжиза-ларидан бири — шубҳасиз Сурхондарё воҳасидаги Жар-қўргон минорасидир. Манба-ларда унинг милодий 1108-1109 йилларда қурилгани қайд этилади. Орадан асрлар ўтса-да, бу ноёб обида ўзининг яқ-литлиги, бебаҳо гузаллиги би-лан кишиларни ҳайратга со-либ келмоқда.



— Ҳар бир жойининг ўзига хос жиҳатлари бор, — дейди тарих-фани ўқитувчиси Адолат Бада-лова. — Бугун жарқўргонлик-лар ҳам ушбу минора билан фахрланишади. Едгорликнинг айлана шаклидаги 16 та жим-жимдор туташ ярим устуни алоҳида эътиборга лойиқ. Бу устулар қовурғасимон шакл-да қурилган. Уларнинг юза қис-ми горизонтал шаклда бўлиб, япроқли гулга ўхшайди. Қўй-га тулган сари қавариқлар гўё ёйилиб кетгандай бўлади. Ми-норанинг юқори қисми равқо-

затилган. Аҳойиб минорани то-моша қилганингиз сайин, унинг тақорланмас қирраларини кашф этгандек бўлаверасиз.

Бугун минора ёнида музей бунёд этилган бўлиб, бу ерда сақланаётган ўнлаб ноёб осо-ри-атикалар мозийдан сўзлайди. Музейдаги эрамининг 4-5-аср-ларидидаги аёллар тақинчоқли-дан тортиб, қулоччилик санъати намуналаригача бугунги мадани-ятимиз неюқли теран илдизга эга эканидан гувоҳлик беради.

Бир сўз билан айтганда, дав-лат муҳофазасига олинган маз-кур минора сўнгги йилларда яна-да кўркам кўриниш касб этди. Мо-зий қадридан сўзловчи ушбу та-рихий маскан Ватанимиз тарихи-нинг бир бўлаги, ноёб мўъжизаси сифатида бугунги ҳур ва саодат-ли қуларга шукроналик ҳиссини ошаришда ўзига хос тямсол бўлиб ҳисмат қилиб келмоқда.



Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Тендер комиссияси

осбоб-ускуналарни отказиб бериш, монтаж қилиш, уни ишга тушириш учун ва йўловчиларни ташиндира АСУ «Экспресс-3» автоматлаштирилган бошқарув тизимини дастурий таъминотига татбиқ этиш бўйича №14 тендер эълон қилади:



Миннатдорчилик

Мен сиздан шифо топдим

Яқинда, кеч соат ўнларда кучли оғриқдан ҳушимни йўқотаёздим. Беҳосодан бошланган дард азоб экан. Эртадан Учкўприк тумани уро-логия бўлими мудир Олимжон Омонов ҳузур-ига олиб боришди. У дарҳол биринчи тиббий ёрдам кўрсатди. Ингилиб қолган, мени қий-наётган пешобни мослама ёрдамда чиқари-б ташлади. Оғриқ қолиб, жоним ором олди. Вақоланки ҳаётдан умидимни узиб қўйбаган-дай.

даволандим. Шу кунлар давомида Бувайда қи-шлоғидан 77 ёшли мўйсафидин, Бештерак қи-шлоғидан 80 ёшли Жумақўзи Жўраевни, Данга-ра тумани Шилдиқ қишлоғидан 75 ёшли қария-нинг ҳам мен каби шифо топганини қузатдим. Ўзим физика-математика ўқитувчисиман, ёшим 70да. Учкўприклик Омонов Олимжон, Марасу-лов Акбаржон, Халилов Набижон Ёгамбердие-ва Фотимахон, Туманова Умидхон каби ўз касбининг фидойилари борлигиндан қувондим, уларга севимли газетамиз орқали чин дилдан миннатдорчилик билдиргим келди.

Росулжон СОТҚИНОВ,
Фарғона вилояти.

«Илҳом бўлоғи» Ногирон ижодкорлар уюшмаси тасарруфидаги «Лаззат» ОАВ но-мига Тошкент шаҳар Маتبўт ва ахборот бошқармаси томонидан берилган 02-88 рақамли гувоҳнома йўқолиши сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО «INTERLEGNO», ИИН 204439060, ОКПО 18985137 соошбаат об уменишенини своего уставного фонда с суммы 1.150.182.609 сум до суммы 1.138.682.609 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца по тел.: 281-39-27.

Тошкент давлат педагогика институти томонидан 1993 йилда Барабаншико-ва Викториа Викторовнага берилган N 044062 рақамли диплом йўқолиши-ни сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

BOSH MUHARRIR:	
Safar OSTONOV	
TAHRIR HAY'ATI:	
Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Turobjon JO'RAYEV Feruz NAZIROV Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Norqobil JALIL (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afur HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV Nomo SA'DULLAYEV Svetlana GERASIMOVA Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV	
MUASSIS:	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI	
BO'LIMLAR:	
Partiya hayoti 133-10-13	
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43	
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)	
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56	
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17	
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80	
VILOYAT MUXBIRLARI:	
Andijonda — 25-32-70	
Buxoroda — 222-10-92	
Gulistonda — 25-22-32	
Jizzaxda — 5-49-85	
Navoiyda — 223-83-73	
Namanganda — 6-43-43	
Nukusda — 222-70-15	
Samarqandda — 35-20-54	
Urganchda — 226-51-35	
Farg'onada — 26-43-62	
Denovda — 8-37641-23-780	
MANZILIMIZ:	
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovoz.uz	
Navbatchi: Behzod SHUKUROV	
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Gazeta shehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.	
Г — 1049 7824 nusxada bosildi 1 — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 21.30 Topshirilgan vaqti — 22.30 1 2 3 4 5 6 7	
Sotuvda erkin narxda	